

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
№3- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ

Тошкент ш.

26 октябр 2016 йил

Раис – академик Ш.И.Каримов

Котиб - А.Т.Махмудов

Кенгаш раиси академик Ш.И.Каримов куйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

1. 1. Лаборатория дарслари ва улар самарадорлигини ошириш йўлидаги чоратadbирлар

Маърузачи – Ўқув бўлими бошлиғи Б.Б.Рахимов

2. Даволаш факультети кафедраларида ўқув жараёни ҳолати, инглиз тилида ўқитиш тажрибаси ва муаммолари

Маърузачи – Даволаш факультети декани,
профессор П.С.Зуфаров

3. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш.

4. Диссертация, монография ва ўқув услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш.

5. Турли масалалар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул килинди.

Қўриб чиқилган биринчи масала: Ўқув бўлими бошлиғи Б.Б.Рахимовнинг маърузаси бўйича куйидаги қарор қабул килинди.

Тошкент тиббиёт академиясида ўқув жараёнларини дунёнинг илғор мамлакатлари ўқув тизимига мувофиқлаштириш ва маърузада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида академия Кенгаши қарор қилади:

1. Лаборатория ишларини қайта кўриб чиқиш ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ўқув ва илмий лабораториялар ишини уйғунлаштирилсин.

Масъул шахслар - Ўқув ишлари бўйича проректор, Илмий ишлар бўйича проректор, ўқув-услубий бўлим

Муддат- ноябр 2016 йил

2. Лаборатория ишларида магистр ва бакалаврият талабаларининг иштирокини оширилсин

Масъул шахслар - Ўқув ишлари бўйича проректор, Илмий ишлар бўйича проректор, деканлар ва магистратура бўлими, кафедра мудирлари,

Муддат - доимий

Ушбу қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор О.Р.Тешаев зиммасига юклатилсин.

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул килинди.

Қўриб чиқилган биринчи масала: Б.Б.Рахимовнинг маърузаси бўйича куйидаги қарор қабул килинди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ: Ҳисобот қоникарли деб қабул килинсин.

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул килинди.

Даволаш факультетининг ўқув жараёнлари сифатини янада ошириш, инглиз тилида ўқишни жадаллаштириш мақсадида кўриб чиқилган иккинчи масала: П.С.Зуфаровнинг маърузаси бўйича қуйидаги қарор қабул қилинди.
ҚАРОР ҚИЛИНДИ: 1. Ўқув жараёнларида ҚВП модуллари амалий кўникмаларни ўзлаштириш лабораториясидан унумли фойдаланилсин

Масъул – Ўқув ишлари бўйича проректор, Илмий ишлар бўйича проректор, факультет деканлари, ўқув бўлими, кафедра мудири

Муддат - доимий

2. Чет эллик олимлар иштирокидаги мастер класс ва интеграл маърузаларнинг салмоғи оширилсин

Масъул – Ўқув ишлари бўйича проректор, Илмий ишлар бўйича проректор, факультет деканлари, ўқув бўлими, кафедра мудири

Муддат – доимий

3. Тиббий-педагогика факультети билан ҳамкорликда клиник кафедраларнинг кўргазмалари очик дарслари ташкил қилинсин

Масъул - Ўқув ишлари бўйича проректор, Илмий ишлар бўйича проректор, факультет деканлари, ўқув бўлими, кафедра мудири

Муддат – доимий

4. Факультетларнинг барча инглиз тилидаги гуруҳларида инглиз тилида ўқитиш жадаллаштирилсин, инглиз тилида ўқитилаётган маъруза ва амалий машғулотлар сифати оширилсин

Масъул – Ўқув ишлари бўйича проректор, Илмий ишлар бўйича проректор, факультет деканлари, ўқув бўлими, кафедра мудири

Муддат – доимий

5. Янги ишга қабул қилинган ёш педагогларнинг фан бўйича билим ва маҳоратини ошириш учун уларга тажрибали профессор ўқитувчилар бириктирилсин

Масъул – Ўқув ишлари бўйича проректор, Илмий ишлар бўйича проректор, факультет деканлари, ўқув бўлими, кафедра мудири

Муддат – доимий

Ушбу қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор О.Р.Тешаев зиммасига юклатилсин.

Қарор овозга қуйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кенгаш раиси, академик

Ш.И.Каримов

